

Инсон қадри учун

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш адолатли жамият барпо этиш ва барқарор ривожланишга эришишнинг муҳим омили. Шу боис, юртимизда ушбу соҳада катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги тахрирдаги Конституциямизда ижтимоий давлат тамойили мустақамланиб, давлатнинг мажбуриятлари 3 баробар кўпайтирилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ САРИ ИСТИҚБОЛ ОЧМОҚДА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI
IJTIMOIY HIMOYA
MILLIY AGENTLIGI

Ушбу принциплар асосида ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими яратилди. Соҳа тубдан ислох қилинди, ижтимоий ёрдамнинг аниқ, мақсадли ва манзиллилигини таъминлашга қаратилган янгича ёндашув ва механизмлар жорий қилинди. Бу соҳада кенг қўламли ислохотлар бошланган даврдан бери камбағаллик даражаси деярли 3 баробар қисқарди.

2016 йилда ижтимоий ҳимояга бюджетдан 2 триллион сўм сарфланган бўлса, 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 9,8 баробар ошиб, 20,3 триллион сўмга етди. Ушбу маблаг

ЯИМнинг 1,4 фоизини ташкил этмоқда. Бу рақамлар мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизimini ривожлантиришга қанчалик катта ҳисса қўшилаётганини яққол ифода этади.

Президентимиз мазкур янги тизимнинг ўзига хос жиҳати ва аҳамияти ҳусусида тўхталар экан, “Жамиятимизда ижтимоий адолат ва инсон қадрини таъминлаймиз десак, бу янги тизимни жойларда самарали ишлатиб, муҳтож инсонларга мадад ва умид бағишлашимиз керак”, деган эди.

Давоми 3-бетда

ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Муносабат

Яқинда Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соғлиқни сақлаш соҳасидаги умумий ҳолат муҳокама қилинди. Шунингдек, тизимдаги долзарб муаммолар, бирламчи бўғинда тиббий хизмат сифатини ошириш, рақамлаштириш ва суғуртани жорий этиш, аҳолини малакали тиббий хизмат билан таъминлаш борасида галдаги вазифалар белгилаб берилди.

Мухбиримиз соҳа мутахассислари ва экспертларнинг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Давоми 2-бетда

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ҲАМДА ЯХШИЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ



RAQAMLI AVLOD <qizlari>

Инновация

“РАҚАМЛИ АВЛОД ҚИЗЛАРИ”

ИҚТИДОРЛИЛАР ҲАМЖАМИЯТИ, РАҚАМЛИ КҮНИКМАЛАР ВА ҒОЯЛАР МАЙДОНИ



Меҳнат туфайли инсон яшаётган табиий муҳитини ўзгартирди. Одам организмнинг соф физиологик функциялари, қўл ва оёқларнинг, бош ва бармоқларнинг, тоғайлар, пайлар, суяк ва мускулларнинг шаклланиши ҳам бевосита меҳнат билан боғлиқ. Бундан ташқари, у инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий, маданий тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Меҳнат сабаб одам умрини маънан узайтириш, ҳаётини янада сермазмун қилиш, ҳар томонлама бойитиш учун узлуксиз интилиб келди. Турмуш тарзини мунтазам яхшилаш, такомиллаштиришга ҳаракат қилди. Пировардида меҳнат одамни ихтирочига, бунёдкорга айлантирди.

XXI асрда ўша меҳнат сунъий интеллектни реалликка айлантириб, ҳаётимизга олиб кирди. Бугун биз фойдаланаётган барча ижтимоий платформа, ёрдамчи чат-ботлар айнан сунъий тафаккур маҳсули. Уларни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам махсус роботларнинг беминнат хизматидан фойдаланилди. Одатда, роботлар деганда, кўпчиликнинг тасаввуринида инсонлардек гаплашиб, ҳаракатланадиган қиёфалар гавдаланади. Аслида, робот — нисбатан кенгроқ тушунча. Смартфонингиздаги иловалар,

дастурлар, дейлик, google таржимон, лугатлар, турли ўйинлар ва ҳоказолар ҳам сунъий интеллектга яққол мисол бўла олади. Фақат уларнинг қамрови кичик бўлиб, муайян йўналишдагина сизга ёрдам бериши мумкин.

Ҳа, сунъий идрок тушунчаси шу қадар кенгайиб кетди. Дунёнинг у ёки бу бурчагида ҳар соатда қилинаётган оламшумул ишларнинг барчасидан шунчаки бохабар бўлишга ҳам улгурмаяпмиз.

Давоми 5-бетда

Агротармоқ

Қуёш нурини шимган, росмана хушбўй қулупнай пишиғига ҳам етдик. Таркибида жуда кўп фойдали моддалар ва минераллар бўлган бу резавор мева майнинг биринчи ўн кунлиги, айниқса, ўрталарида сархил пишади. Замонавий агротехнологиялар натижасида апрелданоқ халқ дастурхонига етказиб берилаётган қулупнайдан димоққа ёқимли ифोर урилмаса-да, тансиқ мевани барвақт тоғиб кўриш имкони бор. Иссиқхоналарда-ку қишин-ёзин қулупнай пишадиган бўлиб қолди.



ҚУЛУПНАЙНИНГ ЗҲРИ КЕРАКМИ?

УНДА УЧҚҲРҒОНГА КЕЛИНГ

Турига кўра мавсумда, яъни шу кунларда 15 мингдан 65 минг сўмга сотилаётган қулупнай асосан, Наманганда етиштирилиши, қулупнайчилик Учқўрғон тумани аҳлининг даромад манбаига айланган ҳақида кўпчилик яхши билади. Ҳудудда Америка, Европа ва Осиё мамлакатларидан олиб келинган 10 га яқин экспортбоп қулупнай

нави маҳаллийлаштирилди. Жаҳон стандартларига мос келаётган бундай навлар экспорт талабларига ҳам тўла жавоб беради. Кунига 5-6 тонна қулупнай сотаётган тадбиркорлар қолганларнинг ҳам ғайратини оширапти.

Давоми 4-бетда

ТАРИХИЙ ТАШНАЛИК
БАРҲАМ ТОПМОҚДА

4

МИЛЛИЙ ВА ДУНЁВИЙ
ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ
ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯДА
АКС ЭТГАН

6

ТҲЙ ШАХСИЙ
МАСАЛА, БИРОҚ...

6



Обод манзиллар

ЗАРБДОР
ТАЖРИБАСИОДАМЛАР ҲАЁТИНИ
ЎЗГАРТИРГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

Зарбдор тумани узок йиллар иқтисодий салоҳияти паст, инфратузилмаси етарлича ривожланмаган, ишсизлик даражаси юқори ҳудудлардан бири сифатида тилга олинар эди. Бу ерда кичик бизнес ёки экспорт ҳақида гап кетса, кўпчилик буни орзу ёки ҳаёл сифатида қабул қиларди.

Яқин-яқингача иқтисодий имконияти деярли йўқ ҳудуд сифатида тилга олинган туманда бугун тамоман бошқача манзара ҳукм сурмоқда. Иқтисодий ислохотлар, аҳоли бандлигини таъминлаш, аграр соҳадаги илғор лойиҳалар ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинаётган ишлар туфайли туманда туб ўзгаришлар юз берди. Ислохотлар, ташаббус ва шиқоат туфайли ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва экспорт салоҳияти юксалмоқда. Утган йилнинг ўзида туманда 13 минг 500 кишининг бандлиги таъминланди. Бу шунчаки гап ёки рақам эмас, ҳаёллардан ҳаётга кўчган оддий ҳақиқат.

Энг муҳими, ислохотлар одамлар онгини ўзгартирди. Келажакка ишончини мустаҳкамлади. Зарбдор энди фақат қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ҳудуд эмас. Туманда тадбиркорлик ривожланмоқда, замонавий кластерлар ташкил этилиб, экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Бу жараёнда хорижлик ва маҳаллий сармоядорлар фаол қатнашапти.

“Зарбдор Парранда” МЧЖ ички бозорга арзон ва сифатли парранда гўшти ҳамда туҳум етказиб бермоқда. Шунингдек,



“Жиззах органик” МЧЖда хориждан келтирилган ангус зотли қорамолни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган 22 миллион долларлик лойиҳа доирасида йилга 20 минг тонна сут ва 5 минг тонна гўштни қайта ишлаш кўзда тутилмоқда.

Узоқ йиллар мелиорация тадбирлари амалга оширилмаслиги туфайли яроқсиз ҳолга келиб қолган ерларда сунъий сув ҳавзалари барпо этилиб, балик етиштириш йўлга қўйилмоқда. Бу лойиҳалар туфайли 200 оила доимий даромад манбаига эга бўлади.

— Тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришга алоқадор ҳар бир ташаббус ўзининг меvasини бермоқда, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қиличбек Нурматов. — Шу боис, жорий йилда sanoat маҳсулотлари қийматини 1 миллиард 237,5 миллион сўмга, экспорт ҳажминини эса 52,5 миллион долларга етказиш кўзда тутилмоқда. 100,6 миллион долларлик хорижий инвестицияни ўзлаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, 1502 та лойиҳага 63,5 миллиард сўм кредит ажратилиши кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, ишсизликни 5,7 фоиз, камбағаллик даражасини эса 5,3 фоиз камайтиришга хизмат қилади. Туманимизда аҳоли даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш,

камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар Президентимиз томонидан эътироф этилиб, Зарбдор тажрибаси сифатида бутун мамлакат бўйлаб оммалашаётгани одамни мамнун этади.

Кеча ишсиз юрган одам бугун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, микрокредит ёки имтиёзли маблағ эвазига иссиқхона қурапти, кичик корхона очаяпти. Банклар томонидан ажратилган ресурслар тўғридан тўғри халқ манфаатига хизмат қилмоқда.

Туманинг Ойбек маҳалласида яшовчи Наргиза Маматқулова “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 50 миллион сўм имтиёзли кредит асосида тикув машиналари олиб, “Баҳор либослари” оилавий корхонасини ташкил этди ва 5 аёл-қиз бандлигини таъминлади.

Янгиобод маҳалласида яшовчи Сардор Абдусатторов олдин фақат мавсумий ишлар билан шуғулланарди. Деҳқончилик қўлдан келса ҳам иқтисодий имконияти чеклангани сабабли ўз иссиқхонасини барпо этишга қийналарди. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси вазифаси жорий этилгач, унинг орзуи сари йўл очилди. Давлатнинг бегараз ёрдами — субсидия ва имтиёзли кредит

асосида томорқасида ихчамгина иссиқхона қуриб, гулчиликнинг ўзидан юқори даромад олмақда.

Айни кунда Сардор Абдусатторовнинг томорқасида 15 минг тупдан зиёд гул ўстирилмоқда. У гулчиликдан ташқари сабзавот ва поллиз маҳсулотлари, қўзиқорин ҳам етиштириб сотмоқда.

Зарбдор энди иқтисодий салоҳияти паст ҳудуд эмас, балки sanoatлашган ва экспорт-боп маҳсулот етиштирувчи замонавий туман сифатида ривожланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 15 та кўчанинг инфратузилмаси яхшиланиши, жумладан, 8 километр йўл, 4 километр электр, 3,8 километр газ узатиш тармоғи таъмирлангани, 500 метр пидеалар йўлагини, 8 километр янги сув тармоғи қурилиб фойдаланишга топширилгани, 200 та хонадон тоза ичимлик сув билан таъминлангани ана шу саъй-ҳаракатлар самараси.

Барча ишнинг асосида иқтисодий ривожланиш туради. Иқтисодий тараққиёт бор жойда одамларнинг фаровонлиги, маданияти юксалади. Зарбдор тажрибасининг моҳияти ҳам шунда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ
ТИББИЙ ХИЗМАТАҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ
ҲАМДА ЯХШИЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Депутатлик назорати ўрнатамиз

► Бошланиши 1-бетда



Анваржон НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Чуқур танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йилгида қатор янги ташаббуслар илгари сурилди. Масалан, энди тиббиёт бригадаси ҳамда унга бириктирилган

аҳоли ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилловчи икки томонлама шартнома тузилади. Аҳоли оилавий шифокорни эркин танлаши, бу жараёнларга хусусий оилавий шифокорлар ҳам жалб этилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши ва саломатлигини мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Видеосекторда соҳанинг бирламчи бўлимини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш, тиббиёт ходимларининг билимини ва даволаш сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Аҳоли қамрови, касалликлар таҳлили ва мурожаатлар туридан келиб чиқиб, янгича иш тартиби белгиланди.

Тиббий ёрдамнинг қафолатланган пакетини тасдиқлаб, унинг доирасида тиббий хизмат ва дори-дармон тўлиқ бюджетдан қопланиши кўзда тутилмоқда. Поликленикада акушер-гинекологлар 2 баробар кўпайтирилади, ҳар 3 минг бола учун 1 тадан педиатр штати янгидан қўшилиши эса миллат генофондини сақлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги эътиборга молик саъй-ҳаракатдир.

Тиббиётни ривожлантириш бўйича йилгида айтилган ташаббуслар ижроси жойларда, энг аввало, бирламчи бўлинда сўзсиз таъминланиши талаби қўйилди.

Йилгида ҳар бир вазир, ҳоким, депутат ва сенатор жойлардаги шароитни ўз кўзи билан кўрса, ислохотлар кўйи бўлинга тезроқ етиб боришига хизмат қилиши таъкидланди. Бу талаб биз — депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди. Жойларда аҳоли билан учрашувларимизда айтилган масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз. Керак бўлса, ушбу вазифалар ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатамиз.

Ҳозир аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш энг долзарб масалалардан. Шу боис, йилгида дори-дармон ишлаб чиқариш, олиб келиш, рецептли дориларни дорихонада сотиш, бу жараёни рақамлаштириш, тиббиёт тизимида маблағдан оқилона фойдаланиш, суғуртани жорий этиш, коррупцияни йўқотиш, одамларни рози қилиш бўйича ислохотлар ижроси устидан тўлиқ назорат ўрнатилар лозимлиги қайд этилди.

Эл розилигида гап кўп. Соғлом миллат эса жамиятнинг бебаҳо бойлиги. Инсон қадрини учун қилинаётган ушбу хайрли тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам шу. Йилгида ҳар бир поликлиника, шифохона, марказда одамларни тиббиётдан рози қилиш, қатъий интизом ўрнатиш ва маданият олиб кириш, бунинг ижросини мунтазам муҳокама қилиб, раҳбарларнинг жавобгарлигини кўриб чиқиш учун масъуллар белгиланди. Буларнинг барчаси халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, умр давомийлигини ошириш, соғлом, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришига замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Соҳадаги ислохотлар натижасида беморларнинг юқори сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти янада кенгайди. Бу эса халқимизнинг яшаш сифатини оширишга хизмат қилади. Шу нуқтага назардан, давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар ижросини таъминлашда барчамиз фаол ва ташаббускор бўлишимиз керак.

Бу соҳага малакасииз
ёндашиб бўлмайди

Шуҳрат БОЙМУРОВО,
Тошкент давлат тиббиёт
университети ректори:

— Йилгида илгари сурилган долзарб вазифалар орасида бирламчи тиббиёт бўлинида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги талаблар алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу устувор йўналиш халқ саломатлигини таъминлашда энг муҳим ҳалқа сифатида яна бир бор эътироф этилди.

Тиббиёт соҳасини баҳолаш миллий маркази ташкил қилиниши соҳадаги муҳим янгиланган бири бўлди. Бу тажриба ривожланган давлатлар амалиётида самара берган. Битирув имтиҳонининг ОТМда ўтказилиши, билим ва кўникмаларни баҳоловчи шаффоф тизим йўқлиги оқибатида мутахассислар етарли билим ва амалий кўникмасиз меҳнат бозорига кириб келаётган эди. Энди тиббиёт ОТМлари ва техникум битирувчиларининг замонавий диагностика ва даволаш усуллари ўзлаштириши шаффоф тизим асосида алоҳида баҳоланади. Билим ва кўникмаларни ўқитган мутахассис эмас, балки мустақил ташқи экспертлар томони-



Назарий билим ва амалий кўникма бирга шакллантирилиши шарт. Зеро, инсон саломатлигидек муҳим масалага малакасииз ёндашиб бўлмайди. Тиббиёт олийгоҳлари ҳузуридаги бирорта клиника уларнинг тасарруфида эмаслиги сифатли амалий кўникма ҳосил қилишга халал бермоқда. Энди ҳар бир тиббиёт ОТМга муайян клиника бириктирилади. Натижада талабалар университет клиникасида малака оширади. Тўғри, ҳозир ҳам талабалар клиникада амалиёт ўтайди, ammo жараёни клиника раҳбарияти бошқаради. Янги тартиб бўйича клиникалар тиббиёт ОТМлари тасарруфига ўтказилади. Тегишли кафедралар кли-

“Тоза қўллар” дастури
амалга оширилади

Гўзал МУҲАММЕДОВА,
Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва
жамоат саломатлиги қўмитаси
масъул ходими:

— Юқумли касалликлар, турли микроб ва бактериялар нотоза қўллар орқали юқиши тиббиётда маълум. Нотоза қўл орқали юқадиган касалликлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Юқумли касалликлардан сақланиш, аҳолининг тиббий маданиятини шакллантиришда “Тоза қўллар” тамойилининг ўрни алоҳида.

“Йилгида шу масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Юқумли касалликларнинг 35-40 фоизи оддий гигиена қоидаларига риоя қилмаслиқ оқибатида юзага келаётгани қайд этилди. Ҳар бир ижтимоий соҳа муассасаси тоза-озода бўлиши, одамлар учун қулай санитария-гигиена шароити яратилиши шартлиги таъкидланди. Шу муносабат билан барча мактаб, боғча, техникум, олийгоҳ, поликлиника ва шифохоналарда “Тоза қўллар” дастури амалга оширилиши назарда тутилди.

Бу дастур доирасида қандай ишлар режалаштирилмоқда.

Таълим ва тиббиёт ташкилотларидаги қўл ювиш жойлари санитария-гигиена

воситалари билан тўлиқ таъминланади. Шаронти оғир бўлган 126 та мактабда ҳо-жатохоналар бино ичида жойлаштирилиб, янгидан қурилади, 6000 дан зиёд боғчада гелиоколлектор, 4295 та ижтимоий муассасада сув баки ва цистерна ўрнатилади. Ушбу мақсадлар учун шу йилнинг ўзида бюджетдан 780 миллион сўм ажратилди.

Зиммасида катта масъулият бор. Дастурга кўра, бир қанча чора-тадбирларни амалга оширишмоқчимиз. Аввало, барча ҳудуддаги таълим муассасаларининг санитария-гигиена шохобчаси тўлиқ ҳатловдан ўтказилади, уларнинг санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда гигиеник қоидаларга мувофиқлиги баҳоланади. Ушбу хатлов махсус далолатнома асосида расмийлаштирилади. Натижаларга кўра, ҳар бир СГШ намунаси, қоникарли ёки қоникарсиз деб баҳоланади.

Баҳолаш натижасидан келиб чиқиб, қоникарсиз деб топилган СГШларни санитария талабларига тўлиқ мос ҳолатга келтириш чоралари белгиланади. Бу жараёнда тиббиёт соҳасидаги 90 кунлик стандарт дастур намуна сифатида олиниб, таълим муассасалари учун мослаштирилган махсус гигиена дастури ишлаб чиқилади ҳамда унинг кундалик назорати кучайтирилади.

Шу билан бирга, ушбу дастурнинг ўз вақтида тўлақонли амалга оширилиши учун мактабгача ва мактаб таълими ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари шахсан жавобгар этиб белгиланади.

Бундан асосий мақсад — юқумли касалликлар, ичак инфекцияларининг олдини олиш. Санитария маданияти даражасини ошириш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, аҳолининг овқатланиш, дам олиши, меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш муҳим вазифамиздир.

Йилгида “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури бошланиши эълон қилинди. Қутиш жойларида қулай ўриндиқларни кўпайтириш, навбатни тартибга келтириш, “она-бола” хоналарини ташкил қилиш, ногиронлиги борлар эркин ҳаракатланиши учун кириш-чиқиш жойлари, хона ва йўлакларда инклюзив муҳит яратиш учун масъулларга тегишли топшириқлар берилди. Мақсад битта: аҳолининг санитария маданиятини юксалтириш, тартибга ўргатиш, файзли муассасаларда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва одамларнинг кайфиятини кўтариш. Эл розилиги йўлида қилинаётган бу хайрли саъй-ҳаракатлар инсон қадрини нечоғлиқ баланд экани ва саломатлигига бўлган эътиборнинг ёрқин далилидир.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

КУЛУПНАЙНИНГ ЗЎРИ КЕРАКМИ?

УНДА УЧҚЎРҒОНГА КЕЛИНГ

Агротармок

Бошланиши 1-бетда

Тасаввур қилинг: Учқўрғондаги 2500 гектар майдонда қулупнай гарқ пишди. Деҳқонларнинг қўли қўлига тегмайди. Иш қизгин. Ахир ҳадемай терим якунланади. Шу қисқа муддатда анча-мунча ишсиз юрган учқўрғонликлар яхшигина даромад қилиб олади. Аънаага айланган қулупнай фестивали, қулупнай сайли эса хорижлик сайёҳларда ҳам қизиқиш уйғотаётир. Чунки бу эҳтиёжнинг ортиши, фойданинг кўпайиши дегани. Турфа навли қулупнайлар Қирғизистон орқали Қозогистон, Россия ва Хитой бозорларигача харидоргир бўлиб бораётгани сабаби шунда.

Бирламчи эътибор — эҳтиёжманд оилаларга

Қулупнайчиликнинг иш ўрни очиш, экспорт ҳажмини оширишдаги ҳиссаси Учқўрғондаги аҳолининг 70 фоиздан кўпроги шу

иш билан бандлигида қўринади. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳожиакбар Носировнинг айтишича, ҳудуддаги Қайки қишлоғи тўлиқ қулупнайчиликка ихтисослашган. 16 маҳалланинг 35–40 минг одами шу иш билан шуғулланыпти. Қулупнайчиликнинг кооперация усулида ташкил қилиниши, “Бир контур — бир маҳсулот” тамоийли асосида иш юритилаётгани одамларга ҳар томонлама қулай бўляпти. Зеро, илғор тадбиркорлар аҳолига кўчат тарқатади, ерга ишлов бериш, кўчатни қандай парваришлашни ўргатади. Ҳосил пишиб етилгач, ўзи сотиб олади. Бу эса ортиқча оврагарчиликка чек қўяди.

Қарийб 3000 мингта яқин одам яшайдиган Истиклол маҳалласи аҳли қулупнай етиштиришнинг ҳадисини олган. Шунинг учун бу маҳалла бутун водийга танилди. Айниқса, 15 йиллик таърибага эга Фатҳиддин Асқаров каби қулупнайчилар бу ишни энди бошлаганларга намуна бўляпти. У кўп миқдорда турфа навли қулупнайларни етиштириб, қўшни давлатларга ҳам сотаяпти.



— Ҳозир қулупнай ёппасига пишадиган пайт. Эрталабдан қуёш ботгунча теряпмиз. Нафақат экспортга, халқимизга ҳам кўриниши чиройли, таъми аъло меваларни етказяпмиз. Бу йил асосан, Осиё навини эдиким. Бозорбоплиги, одамларга манзур бўлаётганидан хурсандимиз, — дейди боғбон.

Президентимизнинг эҳтиёжманд оилаларга аукцион орқали 20 сотихдан ер ажратиш борасидаги ташаббуси ва тегисли қарорлари асосида Навбахор маҳалласида ҳам ижтимоий реестрга киритилган 150 нафардан зиёд одамга жами 25 гектардан ортиқ ер берилган эди. Маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Нодир Ҳабибуллаевнинг айтишича, ердан фойдаланишда “Бир контур — бир маҳсулот” тамоийлидан келиб чикиб, қулупнайчилик таволидди. 22 гектар ер ёшларга берилди. Маҳалладаги ишсиз, ижтимоий ғимоя

реестридаги фуқароларга эса 15–20 сотих ер майдони 30 йилга ижара асосида тақсимланди. Ер эгаларининг ҳаммаси бундан унумли фойдаланяпти. Қулупнайнинг маҳаллий ва хорижий навларида йилга 20–30 миллион сўмгача даромад олинади. Деҳқон бозорларидан орттани асосан, Қирғизистон, Россияга юборияпти. 15 сотих ер бир кунда камиди 4–5 кишининг бандлигини таъминлайди. Уртадаги бир ойни ҳисобга олмганда, иш ишга уланади. Яъни июль ойидан кейинги йилга кўчат экиш ишлари бошланади.

— 2022 йили 15 сотих ерни ижарага олганмиз. Қулупнай биз учун энг сердаромад экин. Шунинг учун ҳар йили қулупнай етиштиряпмиз. Айни пайтда Изабелла навининг ҳосилини тера бошладик. Мазаси, кўриниши бошқа навларникидан фарқ қилгани учун килосини ички бозорга 40–50 минг сўмдан етказиб

берапмиз. Мижозлар ўзи олиб кетади, — дейди ёш тадбиркор Шавкат Тўхтабоев.

Яхши даромад келадиган ишни маҳкам тутиш керак. Бир ишни бошлаб, йўлга қўйиб олиш осон кечмайди ахир. Уч йиллик таъриба билан ҳам мўмай даромадга кирган ёшлар қулупнайчиликни бир четта суриб қўймаса керак. Чунки келадиган даромад эҳтиёжни қоплашга бемалол етади. Яна бир ер эгаси — Акбар Мўминовнинг сўзлари фикримизни тасдиқлайди:

— Августда 30 сотих ерда Чарли навли қулупнай ниҳолини экандик. Февралда кўчатларни плёнка билан қопладик. Мана, биринчилардан бўлиб ҳосилга кирди. Ойла-миз аълолардан ташқари маҳаллада ишсиз юрган ёшлар ва аёллар ҳам ишли бўлди. Бир кунда 600–700 килогача ҳосил териб олиб, эл қўраш пуллагамиз. Топганимиз харажати-мизга етиб ортади.

Даромад ҳам, экспорт ҳам, иш ўрни ҳам кўпаяди

Учқўрғонда бу йил 226 гектар боғ қатор ораларида, 1243 гектар очиқ ер майдонларида, 997 гектар аҳоли томорқаларида, 34 гектар иссиқхона ҳўжаликларида, 2,4 гектар эса гидропоника усулида қулупнай етиштирилди. Наманганда 2025 йилда 3400 гектар санатлаштирилган боғ ва тоқзорлар, 4 та инновацион иссиқхона ташкил этиш белгиланган. Шундан биттаси Учқўрғонда қурилиши режалаштирилган. Ҳозир 3 та йирик иссиқхонада гидропоника усулида қулупнай етиштириляпти. Масалан, умумий майдони 2 гектарлик шундай иссиқхоналардан бирида 70 дан зиёд доимий ишчи ўрни мавжуд. Йилга 70 тонна ҳосил териб олинб, 10 тоннаси хорижга юборияпти. Бундай кўрсаткичлар соҳани янада ривожлантиришни тақозо этади. Шу маънода, энди 15 гектар майдонда гидропоника усулида кооперация асосидаги қулупнайчилик кластери ташкил этиляпти. Гидропоника усулида етиштириляётган қулупнай маҳаллийларидан 2–3 баробар қиммат туради. Бундай усулнинг яна бир жиҳати бор: экин йил бўйи ҳосил беради. Қиш мавсумида бир кило қулупнай 300–350 минг сўмгача сотилади. Мавсумда 200, бошқа пайт 80–100 одам иш билан таъминланади. Чунки биргина иссиқхонада пишган ҳосилни йиғиб олишга камида 150 киши керак бўлади.

Ташкил этиладиган кластер ер майдонини биринчи босқичда кам таъминланган, эҳтиёжманд 50 та оилага бўлиб бериш режалаштирилган. Уларга иш ўргатиш учун алоҳида ўқув марказлари очилади. Бу орқали бир мавсумда 900 минг туп кўчат экилади ва йилга 350 тоннадан ортиқ ҳосил олинади. Ҳосилнинг 25 тоннасини қўшни мамлакатларга экспорт қилиш кўзда тутиляпти. Биринчи босқичнинг ўзидаёқ 10 миллиард сўмга яқин фойда қўрилиши тахмин қилинганда ҳам, сарфланган харажат бемалол қопланади. Энг кераклиси, 150 киши доимий, 300–400 одам мавсумий иш билан банд бўлади.

Бу шунчаки қўруқ гап ёки рақамбозлик эмас. Яхши ният — ярим мол. 2024 йилда 30 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштирилган бўлса, бу йил 80 минг тоннага етказилган ҳам бунинг амалдаги кўриниши. Қолаверса, қишлоқ ҳўжалигида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича устувор вазифалар ижроси қулупнайчиликни Учқўрғон иқтисодийнинг драйверига айлантирди. Бу эса нафақат наманганликларнинг, балки бутун мамлакатимизнинг манфаатига хизмат қилади.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислохотлар амалда

ТАРИХИЙ ТАШНАЛИК БАРҲАМ ТОПМОҚДА

Бунга анча бўлди. Илк марта Қўқдала туманидаги қайсидир қишлоққа йўлим тушди. Қишлоққа кираверишда ҳар бир хонадон дарвозаси олдида турли сиғимдаги сув идишлари қўйилганди. Бунга қизиқиб, бир ҳовли олдида тўхтадим. Ёши чамаси етмишларга яқинлашиб қолган онахон кимнидир кутаётгандек олисга қараганча ўтирарди. Мени кўриб ўрнидан турди. Салом-алиқдан сўнг бу идишлар нега ҳар бир дарвоза олдида териб қўйилганини сўрадим.

— Меҳмонсиз, шекилли? Бу идишлар ичимлик сув учун. Бир оздан сўнг катта машинада сув келади. Шундан олиб қоламиз, — дейди онахон.

— Сиз ҳам сув келишини кутиб турибсизми?

— Ҳа, шу десангиз, эрталаб сув тураган экан. Томоқ ҳам қуриб қолди. Қудуқ суви шўр. Бошқалар зарур ҳолда ичиб кетаверади. Мен ҳеч шундан ичолмадим. Тоза сув келиб қолар деб ўтирибман. Сув машина ҳам кўриниш бермайди ҳеч. Келиб қолар деган умидда йўлга қараяман-да.

— Бу идишлар анча кичик. 20–30 литр сув кетибди. Бу қанчага етади? — дейман қизиқиб.

— Бу фақат ичиш учун. Қолгани қудуқдан. Ҳар икки кунда машина билан келиб, тарқатиб кетади. Сувнинг ҳар томчиси биз учун азиз. Авайлаб ишлатсак, бемалол етади. Қачондир кўчаларимизга ҳам бошқа жойлардаги каби ичимлик сув тармоғи тортилди. Шунда тўйиб сув ичамиз-да, болам...

— Албатта. Бир кун бу ерларга ҳам сув келади, — дея ўзимча онахоннинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдим. Негадир ўзим ҳам қачондир бу ерларга ичимлик сув келишини чин дилдан истаётгандим...

Шу қисқагина суҳбатимиздан сўнг кимдир тоза сувни беҳуда сарфлаётганини кўрсам, қачондир кўчасига сув келишини интизор кутиб, йўлга термилиб ўтирган она едимга келаверади. Томчиси тиллога тенг сувни ўйламасдан исроф этаётганимизга бу ҳолатни тасаввур ҳам қила олмаса керак.

Ордан йиллар ўтиб, Қўқдала алоҳида янги туман сифатида ташкил этилди. Натияжада янги ҳудудни ривожлантириш учун барча йўналишларда ислохотлар амалга



оширила бошланди. Шу қаторда аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Босқичма-босқич чекка қишлоқларга қувурлар тортилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг натижасида тарихда илк бор хонадонларга ичимлик сув кириб бормоқда.

— Шу пайтгача ҳовлимизга ичимлик сув кириб келишини тасаввур ҳам қила олмасдик, — дейди тумандаги Қўқдала маҳалласи раиси Умар Жулбулов. — Туманимизда биринчилардан бўлиб маҳалламизга обиҳаёт кириб келди. Одамларимизнинг хурсандлигини айтмайсизми. Илгари қачон машинада олиб келаркан дея соатлаб кутишга мажбур бўлардик. Кўпинча шу ҳам келмай қоларди. Бугун ҳар бир эшик олдида қувур орқали сув келиб турибди. Ҳозир биринчи босқич тўлиқ амалга оширилиб, маҳалламиздаги 250 та хонадонга сув

тортилди. Кейинги навбатда қолган ҳовлиларга ҳам кириб боради. Энг муҳими, ҳаракат бошландими, албатта, натижа бўлади. Бундан аҳолимиз мамнун.

Маълумотларга кўра, Қўқдала туманида бутунги кунда 192 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Шундан 72 мингдан ортиги, яъни 37,5 фоизи марказлашган ва аҳолининг шахсий артезиан қудуқлари ёрдамида тоза ичимлик сув билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича 1,7 миллиард сўмга “Умакай”, “Кўққорбулоқ”, “Яшилтепа” ва “Сувлик” МФЙларда 4 та артезиан қудуқ қазилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида 17,6 минг аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжи

қондирилди. Эвазига туманда тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 46,6 фоизга етди.

Президентимизнинг 2022 йил апрель ойида Қўқдала туманига ташрифи давомида берган топшириқларига асосан, қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, туман маркази Еттигум шаҳарчасидан ичимлик сув иншооти ва тармоқларини қуриш якунига етказилди. Дастлабки босқичда режалаштирилган 4 километр тармоқ тортилиб, 4 та артезиан қудуқ қазилди. Шу билан бирга, сув ҳовузлари тайёрланиб, насослар ўрнатилди. Иккинчи босқичда ишлар шаҳарча ичидаги объектлар билан биргаликда давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида яна қўшимча 13,4 минг киши тоза ичимлик сув билан таъминланади ва туманда аҳолининг таъминланганлик даражаси 53,6 фоизга чиқади.

— Кейинги йилларда туманда айнан ичимлик сув таъминоти бўйича катта ишлар қилинмоқда, — дейди “Қашқадарё сув таъминоти” АЖ Қўқдала тумани филиали муҳандиси Саидқул Холиқов. — Жорий йил бошидан Қўқдалада йирик лойиҳага старт берилганди. Ҳозирга қадар мазкур ишнинг армидан ортиги бажариб бўлинди. Яъни шу пайтга қадар энг оғир ҳудуд ҳисобланган маҳаллаларга сув таъминотини яхшилаш учун қизгин иш кетмоқда. Бунда Чироқчи туманидаги “Бешчашма” МФЙ ҳудудидан артезиан қудуқ орқали сув олиш иншооти барпо этилмоқда. У ердан олинган сув Қўқдала туманидаги “Айритом” ва “Шўрқудуқ” МФЙлар аҳолисига етказиб берилди.

Режага кўра, “Бешчашма” МФЙда 4 дона тик артезиан қудуқ қазилиб, “Шўрқудуқ” МФЙгача 17 километр тармоқ тортилди. Айни пайтда 141 километр ички тармоқ тортиш ва 2 та резервуар қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар якунлангач, Шўрқудуқ ва Айритом маҳаллаларидаги 9 мингдан ортиқ аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланади. Қўймаги 39 миллиард сўмдан зиёд мазкур лойиҳа ишга тушиши эвазига туманда тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 64 фоизга етказилади.

Аслида, юқоридаги тахлиллар шунчаки кўриниш мумкин. Лекин унинг замирида одамларнинг йиллар давомида амалга олмаган орзулари ётибди. Тарихий ташналик қондирилиб, аҳолининг розилиги ортомоқда. Муҳими, тоза ичимлик сув хонадонларга кириб бориши одамларнинг соғлом турмуш кечиришига имкон беради. Бундай ўзгаришлар қисқа фурсатда бутун туман ҳудудини қамраб олиши шубҳасиз.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи



БАҲОРНИНГ ИССИҚ КЕЛИШИ чигирткалар кўпайишига шароит яратди

Шу кунларда ҳудудларда зарарли чигирткалар кўпайишига оид маълумотлар ижтимоий тармоқлардаги муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Масалан, яқинда Деҳқонобод туманининг Бешбулоқ маҳалласида марокаш чигирткаси учрагани ҳақида хабарлар тарқалди.

Чиндан ҳам ҳозир дала ва яйловларда чигирткалар галасини кузатишимиз мумкин. Мутахассислар фикрича, бу йил чигирткаларнинг тарқалиш кўлами ўтган йиллардагига нисбатан кенг. Бу об-ҳавонинг анча иссиқ келгани билан боғлиқ.

Зарарли чигирткалар қулай об-ҳаво шароитида кўпайиб, оммавий тарқалади. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари зарарлайди. Деҳқонга ҳам, давлатга ҳам катта иқтисодий зарар келтиради. Улар шуниси билан хавфли.

Ҳозиргача мамлакатимиз бўйича салкам 485 минг 163 гектар майдонда кузатув ўтказилган. Шундан 273 минг 180 гектарида чигиртка тарқалгани аниқланди. 251 минг 152 гектар ерда эса уларга қарши кимёвий кураш чораси кўрилди.

Кучайтирилган назорат тадбирлари Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ҳамон давом этипти. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Тошкент вилоятларида зараркунандига қарши ерга кимёвий ишлов берилмоқда.

Мамлакатимизда асосан, марокаш ва саксовул бугри чигирткаси учраяпти. Прогнозга кўра, жорий йилда 608 минг гектардан ортиқ майдонда зарарли чигиртка тарқалиши эҳтимоли бор. Бироқ бу кўрсаткич ўзгариши мумкин.

Шу бонс, айни пайтда чигирткага қарши кураш ишлари суткалик режимга ўтказилган. Худудий хизматлар раҳбарлари ҳамда агрономларнинг телефон

раками ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги расмий саҳифаларида жойлаштирилган.

Умуман, бу борада самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, зараркунандлар тарқаладиган ўчоқни йўқ қилиш ва тарқалишнинг олдини олиш учун дала майдонлари, яйловлар ва трансгегаравий ҳудудларда муайян ишлар қилинапти. Мутахассислардан иборат махсус гуруҳлар замонавий транспорт ва кимёвий воситалар билан тўлиқ таъминланган.

Шу ўринда кичик эслатма. Юртдошларимиз бирор ҳудудда зарарли чигирткаларга дуч келса, агентликнинг махсус 1288 қисқа рақами ёки (71) 202-10-00 телефон рақами орқали мурожаат қилиши мумкин.

Мамлакатимиз чигирткалар қўпайиши ва тарқалиши учун иқлим жиҳатидан жуда қулай ҳудудга жойлашган. Хусусан, юртимиз сарҳадларида 200 турдаги чигирткалар учратиш мумкин. Табиийки, уларнинг тўда ҳосил қилувчи 6–8 турига қарши кураш тадбирлари ҳар йили ўтказилади. Ушбу сарф-харажатлар натижасида қишлоқ ҳўжалиги экинлари, саксовулзор ва яйловларга етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олди олинмоқда.

Бобур ҲАМРОЕВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директорининг биринчи ўринбосари

Янги концепцияда акс этган



Илҳом МАЪРУПОВ,
Дин ишлари бўйича қўмита
раиси маслаҳатчиси

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига чиқди. Шундай муҳим паллада юртимизда диний-маърифий соҳада ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётди. Мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Бу жараёнда фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги янгилик ва енгилликларни алоҳида қайд этиш, хусусан, икки муҳим ҳужжатни эслаб ўтиш лозим.

Биринчиси, “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуни.

Иккинчиси, Президентимизнинг “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Ушбу икки муҳим ҳужжат том маънода диний-маърифий соҳа самарадорлигини янги босқичга олиб чиқишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлди.

Ҳозир кўпконфессияли жамиятларда давлат ва дин муносабатларининг тўғри йўлга қўйилиши турли дин вакиллари ўртасида бағрикенглик муҳити барқарорлигини таъминлайди. Бу тинчлик-осойишталикнинг муҳим омилларидан бири. Айниқса, дунё миқёсида экстремизм ва терроризм муаммоси хавф солиб турган, диндан сиёсий мақсадда фойдаланишга уринишлар кучайган бир пайтда аксар мамлакатларда давлат ва дин муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга асосий масала сифатида қаралмоқда.

Ҳозир ахборот олиш ва узатиш имконияти кенгайиб, маълумот тарқатувчи ресурслар тобора кўпайиб бораётти. Булар аҳолининг ижтимоий, ахлоқий ва диний қарашларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу жараёнда давлат ва дин муносабатларининг тўғри ва соғлом белгиланиши — энг асосий принцип. Зеро, бу масала мамлакат тинчлиги, фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи каби жуда нозик ва долзарб жиҳатларга тегишли. Шунинг ўзидек фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва давлатнинг диний соҳадаги сиёсати концепциясини замонга мослаб ишлаб чиқиш заруратини пайдо қилди.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси диний ташкилотлар билан алоқалар, жамиятда диннинг ўрни каби масалаларда давлатнинг аниқ ва тизимли қарашлари ҳамда йўналишларини ўзида мужассам

этган, давлатнинг диний соҳадаги сиёсатини очиқ ва шаффоф акс эттирувчи ҳамда стратегик вазифаларни қамраб олган муҳим ҳужжат сифатида амалиётга жорий этилди.

Мазкур концепцияда виждон эркинлиги ҳуқуқи, Ўзбекистон дунёвий давлат эканига оид конституциявий қоидаларни рўёбга чиқариш масаласи, шунингдек, давлатнинг диний соҳадаги сиёсати мақсади ва вазифалари, принциплари ва устувор йўналишлари аниқ қилиб белгиланган. Зеро, замонавий жамиятда ҳар қандай давлатнинг диний соҳадаги сиёсатида асосий таянч принциплар бўлиши шарт. Шу боис, концепцияда мамлакатимизнинг диний соҳадаги сиёсати қонунийлик, виждон эркинлиги, диннинг давлатдан ажратилгани, тенглик, эркин танлов, динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш каби принципларга таяниши кўрсатилди.

диний қарашларини ифодалаши, ибодатларни, расм-русумларни яқка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб бажариши.

Учинчиси, ижтимоий-сиёсий маконда ақида ва қарашларни қонунга ҳилоф равишда тарқатишга ҳамда диний белгиларга кўра сиёсий партияларни ва сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатларини ташкил этишга йўл қўйилмаслиги.

Яна бир эътиборли жиҳат — концепцияда дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналиши ва механизмлари аниқ ва тушунарли равишда аниқланган. Келинг, ушбу йўналишлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, давлат бошқаруви йўналишида давлат бошқаруви оид қарорлар қабул қилиш ҳамда амалга оширишда Конституция ва қонун-



Давлатнинг диний соҳадаги сиёсати Конституция ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Фуқаролар хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидан эркин фойдаланади. Шунингдек, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир. Улар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Турли конфессияларга оид ташкилотлар диний бағрикенглик, мурося, ҳурмат ва ўзаро тушуниш асосида мулоқот ўрнатади. Буларнинг барчаси янги концепцияда принципал жиҳатлар сифатида замонга мослаб очиб берилган.

Шу ўринда умумжамиyat манфаатлари ва виждон эркинлиги уйғунлигининг асосий шартларини аниқлаш ва аниқлаш масаласи ҳам жуда муҳим эканини эсда қўлиш лозим. Шунга кўра, бу жиҳатларни “уч макон” тамойили мисолида кўриб чиқсак.

Биринчиси, фуқароларнинг ўз шахсий макони доирасида бошқа шахсларнинг манфаатига дахл қилмай, хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслиги.

Иккинчиси, диний жамоа маконида фуқаролар қонунчилиқда белгиланган тартибда ўз

ларга мувофиқ иш тутилади. Бунда умуммиллий ва умуминсоний қадриятларга, маданий меросни ҳурмат қилган ҳолда умумжамиyat манфаатларини қўзлаш, илмий асосланган ёндашувларга таяниш белгиланган. Концепцияда аниқ механизмлар орқали бу йўналишнинг ҳар бир жиҳати батафсил қамраб олинган.

Иккинчидан, иқтисодиётни тартибга солиш йўналишида эса давлат иқтисодиётни, иқтисодиёт субъектларни ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда эмпирик далиллар, оқилона таҳлил ва объектив кузатувларга асосланган иқтисодий қонуниятлар, принциплар ва институтларга таяниши таъкидланади.

Учинчидан, таълим йўналишида ўқитиш жараёнида, уни ташкил қилишда ва таълим хизматлари кўрсатишда таълим олувчиларда диний ақида ва қарашлардан холи тарзда илмий билимларни, мантиқий фикрлаш қўникмаларини, миллий ва умуминсоний қадриятларини шакллантириш, қарашлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, умумжамиyat манфаатларига ҳисса қўиш ҳоляри белгиланган.

Тўртинчидан, тиббиёт йўналишида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, тиббий хизматлар кўрсатиш ва тиббий маданиятни шакллантиришда илмий тадқиқотлар, далиллар, тиббий одоб қоидалари, фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари устуворлиги принципларига амал қилиш қайд этилади.

Бешинчидан, маданият йўналишида жамиятнинг маданий ривожланиши жараёнида, жумладан, урф-одатлар, бадиий ва амалий санъат (адабиёт, мусиқа, хореография, театр, кино ва бошқалар) соҳаларини ривожлантиришда инсонпарварлик, табиатга ҳамхўрлик, миллий ва умуминсоний маданий меросга ҳурмат ҳолярига таяниш таъкидланади.

Олтинчидан, никоҳ институтини тартибга солиш йўналишида никоҳ муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, фуқаролик ва оила тўғрисидаги қонунчиликка алоҳида урғу берилган.

Еттинчидан, ижтимоий ахлоқ ва ҳуққ-атвор нормаларини шакллантириш йўналиши ҳам бугун қўллаб-доғлар масалаларни тартибга солиш ва ҳуқуқларни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Жумладан, ушбу йўналишда шахснинг бошқа шахслар ва жамият билан муносабатларда, шахс эътиқодида қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини, шунингдек, виждон эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қилган ҳолда ўзини оқилона тутиши, инсонпарварлик ҳоляри, миллий ва дунёвий қадриятларга таяниши каби масалалар моҳиятини аниқлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Концепция юртимиз давлатчилиги ривожининг бой миллий-тарихий таърибасига ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган. У қўмиллати ва кўпконфессияли мамлакатимизда умумжамиyat манфаатларини рўёбга чиқариш, демократия, дунёвийлик, эркинлик, тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик асосида ўзаро тотув яшаш, барқарор муҳитни таъминлашга қаратилган.



Долзарб мавзу

Тўй шахсий масала, бироқ...

Мамлакатимизда тўйлар халқимизга хос қадриятларни ўзида мужассам этган, эзгуликка йўғрилган гўзал урф-одатларни ўзида қамраб олган ажойиб тантанадир. Халқимиз орасида “Тўйга етказсин!” деган ибора кенг тарқалгани ҳам бежиз эмас.

Аммо улар билан боғлиқ муаммолар асрлар оша язаб келмоқда. Жадид боболаримиз тўйлардаги исрофгарчилик ҳақида кўпини ёзган. Ҳа, исрофгарчилик, дабдабозлик, сохта обрў орттиришга уриниш каби салбий ҳолатлардан, афсуски, қутула олганимиз йўқ. Йиллаб меҳнат қилиб, топган-тутганини тўй баҳона сочиб юборгани етмагандек, қарз-қавола қилиб, оиласини қийин аҳволга солаётганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис, тўйларни тартибга солишга давлат даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тўй ўтказиш билан боғлиқ тартиблар белгиланган. Аммо уларни бажариш, ихчам, исрофгарчиликсиз тўй ўтказишга даъват ва тавсияларга қўччилик панжа орасидан қараб келмоқда.

Ваҳоланки, битта тўйга кетган ортқича маблаг билан ёш оиланинг уй-жойли бўлишига ёрдам бериш, ҳаёт йўлида қўқилмаслиги учун тадбиркорлик бошлангич қўмаклашиш, умуман, келажакка сармоя киритиш мумкин. Ахир дабдабали тўйдан кейин ўзини ўнглай олмаёт-



Сирожддин ЎСАРОВ,
журналист

порахўрликка қўл ураётганлар, бели оғримай топган пулини ўзини кўз-кўз қилишга сарфлаётганлар миллий тўйларимизнинг асл шакли шамойили ўзгариб кетишига сабабчи бўлмоқда. Ана шундай дабдабозликларни қўраётган бошқалар ҳам чираниб бўлса-да,

Маиший коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик, идоралар раҳбарлари масъулияти оширилади. Давлат хизматлари даражаси аҳоли баҳолайдиган тизимга айланади. Энг ёмон кўрсаткичга эга соҳа раҳбарларига чора қўрилади.

Муҳими, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги юксалтирилиб, жамиятда коррупцияга қарши курашишга дахлдорлик шаклланади. Президентимиз фармони билан тасдиқланган лойиҳага асосан тўйлар тартибга солинади. Бу мазкур ҳужжат билан тасдиқланган, ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати келтирилган. Унда жорий йил августигача тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича парламент палаталари кенгашларининг қўшма қарори қабул қилиниши режалаштирилган. Ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш бўйича янги механизмлар назарда тутилган.

Тўйлардаги дабдабозлик замирида коррупция мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Мансаб ваколатидан, хизмат мавқеидан фойдаланиб порахўрликка қўл ураётганлар, бели оғримай топган пулини ўзини кўз-кўз қилишга сарфлаётганлар миллий тўйларимизнинг асл шакли шамойили ўзгариб кетишига сабабчи бўлмоқда.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ган, моддий етишмовчилик, қарздорлик каби қўнғилсизликлар тўғрисида бузилб кетаётган оилалар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Ёхуд ёш оилада фарзандлар тутилгач, уй-жой билан боғлиқ муаммо юзага келиши бор гап.

Шунинг учун ҳам бу масала яна жон тартибига чиқди. Президентимиз жорий йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида жамоатчиликка мурожаат қилиб, коррупцияга қарши курашиш умумий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юрtdошимизнинг виждон иши эканини таъкидлади.

“Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис, маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ҳодимлари, тадбиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар — умуман, бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараш керак”, деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки жамиятда коррупцияга қарши кескин курашиш, бу борада очиқ тизим, очиқ муҳит яратиш вазифаси қўйилди. Зеро, тўйлардаги дабдабозлик замирида коррупция мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Мансаб ваколатидан, хизмат мавқеидан фойдаланиб

бировдан орtdа қўлмасликка уринаётгани, оқибатда барча тўйлар, айниқса, никоҳ маросимлари ёшларнинг бахтини кўзлаб эмас, балки ота-оналарнинг ўзини энга қўрсатиб қўйиш мусобақасига айланиб бораётди.

Мазкур йиғилишдан кейин давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Энди коррупцияга қарши курашишда парламент, миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилади. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари кучаяди. Декларация тўғрисида тартиб жорий этилади. Ноқонуний бойлик орттиришга оид янги тартиблар киритилиши натижасида коррупция омилли чекланади. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ташкилотлардаги ички назорат тузилмалари фаолияти кучайтирилади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

